

## МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШДА СУДНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ПРИНЦИПИ

Азизбек Баходир ўғли ДАВРОНОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби

Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада маъмурий судларда далилларни таъминлашда суднинг фаол иштироки принципининг қўлланилиши, суднинг фаол иштироки принципи институтини қонунчиликка жорий этиш ва маъмурий суд ишларини юритишда далиллар ва исботлаш масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** маъмурий ҳуқуқ, суднинг фаол иштироки, далиллар, исботлаш, маъмурий ислоҳот, концепция.

## ПРИНЦИП АКТИВНОГО УЧАСТИЯ СУДА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДАХ

Азизбек Баходир углы ДАВРОНОВ

независимый исследователь

Высшая школа судей при Высшем судебном совете

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В статье анализируется применение принципа активного участия суда в обеспечении доказательств в административных судах, внедрение института принципа активного участия суда в законодательство и вопросы доказательств и доказывания в административном судопроизводстве.

**Ключевые слова:** административное право, активное участие суда, доказательства, доказывание, административная реформа, концепция.

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоясини таъминлашда тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу ислоҳотлар маъмурий судлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда унинг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган усулларда ҳимоя қилиши кафолатланиши, шу билан бирга жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш қонунда

белгиланган муддатларда холис, мустақил ва ваколатли суд томонидан амалга оширилиши конституцион норма сифатида белгилаб қўйилган [1]. Бундан кўринадики, ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб ҳисоблаган тақдирда судга мурожаат қилиши мумкин. Ушбу норма Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (кейинги ўринларда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши учун маъмурий судга мурожаат қилиши белгилаб берилган [3].

Ушбу ўринда, манфаатдор шахс деганда ким тушунилишига эътиборимизни қаратадиган бўлсак. *Манфаатдор шахс* бу – маъмурий орган томонидан қабул қилинган қарор ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган ёки қабул қилинган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этадиган фуқаро ёки юридик шахсларни тушунишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПҚ-33-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга илова тарзида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш Концепцияси Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди ва бу қарор давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоясини таъминлашга қаратилган яна бир қадам бўлди дейишимиз мумкин. Унга кўра, давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ва маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиқиб янада такомиллаштириш йўналишларидан бири сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда “суднинг фаол

*иштироки принципи*”ни қўллаш механизмларини кенгайтириш этиб белгилаб берилди [4; 1].

Маъмурий судларнинг бошқа юрисдикция судларидан фарқлаб турувчи асосий хусусиятлардан бири бу – маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари ҳисобланади. Сабаби, маъмурий судларда иштирокчилар сифатида, асосан, бир тараф сифатида жисмоний ва юридик шахслар бўладиган бўлса, иккинчи тараф сифатида давлат органлари ҳисобланади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бир тараф сифатида доим ҳам давлат органи иштирокчи сифатида иштирок этавермайди. Мисол учун, хусусий фаолият билан шуғулланувчи нотариусларни олишимиз мумкин. Бир тараф давлат органи бўлганлиги сабабли, иштирокчилар ўртасида ваколат нуқтаи назаридан тенгсизликлар вужудга келади ва бунда давлат органи бўлган иштирокчиларга устуворлик берилади.

Маъмурий судларнинг ўзига хослигини шунда ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли қарори юқоридаги ҳолат бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ушбу қарорга кўра, маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш эканлиги белгилаб берилди. Давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган тартибларни ишлаб чиққан ҳолда процессуал ҳуқуқ нормаларида акс эттириш лозимлиги таъкидланган эди. Ана шундай тартиблардан бири сифатида маъмурий суд ишларини юритишда “суднинг фаол иштироки” тамойилини қўллаш назарда тутилган эди [5].

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши

муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 26 апрель ЎРҚ-833-сон Қонуни билан МСИЮТҚга миллий қонунчилигимизга мутлақо янги бўлган принцип “суднинг фаол иштироки принципи” институти билан тўлдиришни назарда тутувчи норма белгиланди. Унга кўра, МСИЮТҚда мавжуд бўлган “Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги” принципи ўрнига маъмурий суд ишларини юритишда янги “суднинг фаол иштироки принципи” киритилди [2]. Суднинг фаол иштироки принципининг мазмун-моҳияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш;
- ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш.

Далиллар суд процессида исботлашнинг ҳуқуқий асосларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. *Исботлаш деганда* – суд процессида ўз ишини тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган ҳолатлар ҳақида фактик маълумотлар тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича фаолият бўлиб, у судлов жараёнининг бошқа субъектлари иштирокида қонунчилик асосида амалга оширилади. Суд процессида иштирок этувчи тарафларнинг низоларини тўғри ҳал қилиш учун суд уларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини белгилаши, аризачининг талаблари, даъвога нисбатан қарши эътирозлари асосли бўлишини текшириши, аризачининг ҳуқуқи бузилган ёки бузилмаганлигини, аризачининг бузилган ҳуқуқини жавобгар деб фараз қилинган шахс тиклашга мажбур бўлиш-бўлмаглигини аниқлаши лозим.

Суд процессида исботлаш воситалари далиллар бўлиб ҳисобланади. Судга оид далиллар деб, маъмурий иш учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларнинг ўзига

айтилади. Маълумки, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Исботлаш эса ишни мазмунан кўриш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий муносабатлар субъектлари нотенг бўлса, бундай нотенглик шароитида маъмурий ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қандай аниқланади ва қонуний хулосага келиш учун суддан нима талаб этилади, каби саволлар вужудга келиши мумкин. Албатта, ушбу шаротда ишни кўришда суднинг олдидаги галдаги вазифа тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, маъмурий ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш ва қонуний хулосага келиш учун суднинг фаол иштироки талаб этилади.

Маъмурий ваколатга эга бўлмаган иштирокчиларда табиийки, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун унинг имкониятлари маъмурий органга нисбатан камроқ ҳисобланади. Бундай ҳолда маъмурий суд ишни ҳолис, адолатли ҳал қилиши учун ҳамда фуқаро ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш мақсадида ўз ташаббуси билан далилларни йиғишда бевосита иштирок этиши мумкин. Маъмурий процессуал муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ҳақиқий тенгсизлик нуқтаи назаридан, бу даъвогарнинг процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларининг етарли эмаслиги ҳолатларини бартараф этиш йўлида суднинг фаол иштирокининг муҳимлигини кўрсатади [6; 224].

Ишларда исботлаш юқини тақсимлашнинг умумий қондасини белгилаб берувчи қонун – МСИЮТК 67-моддасига кўра, агар ушбу Кодексда маъмурий ишлар бўйича исботлаш мажбуриятлари тақсимланишининг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар ўз талабларига ёки эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳақиқий ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органи бўлган ишда иккинчи тараф ўзи талаб қилаётган шикоят бўйича етарли далиллар тақдим қила олмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам, исботлаш мажбурияти қарорлари, ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашилаётган маъмурий органларнинг ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади. Маъмурий органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт. Мазкур шахслар қарор қабул қилишда, ҳаракатларни содир этишда фақат ўзи таянган асосларни келтириши мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 76-моддаси қоидаларига асосланиб, судга ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаш учун кенг кўламли ваколатлар берилади. Қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллар билан бир қаторда сохталаштирилганлик ҳақидаги аризани текшириш бўйича экспертиза ўтказиш, қўшимча ёки такрорий экспертиза ўтказиш зарурияти билан бир қаторда суд маъмурий ишнинг аниқланган ҳолатлари ва далиллари бўйича экспертиза тайинлаши мумкин. Қайд этиш лозимки, Кодекста судга ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаш бўйича кенг имкониятлар берилган. Бироқ амалиётда судьялар томонидан ушбу ваколатлардан кенг кўламли фойдаланиш кўзга ташланмайди. Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, улар томонидан тақдим этилган далиллар ва ишнинг бошқа материаллари билан чекланмасдан маъмурий ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширади.

Суд ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича қўшимча далиллар тўплайди, шунингдек маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Хорижий мамлакатларнинг суд амалиётига мурожаат қилганда, ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда суднинг фаол иштироки тамойили муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратиш мумкин. Хусусан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ихтисослаштирилган қонун ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда узоқ вақт давомида кўриб чиқиладиган маъмурий ишларда яққол кўринади.

Озарбайжон Республикаси Маъмурий-процессуал кодексига мувофиқ, суд процесс иштирокчиларининг тушунтиришлари, баёнотлари ва таклифлари, улар томонидан тақдим этилган далиллар ва ишда мавжуд бўлган бошқа материаллар билан чекланиб қолмасдан, ўзининг расмий позициясидан келиб чиқиб, низои тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган ишнинг барча фактик ҳолатларини текширишга мажбурлиги, суд мустақил равишда, ўз ташаббуси билан ёки процесс иштирокчиларининг илтимосномаси асосида бошқа зарур далилларни тўплаши шартлиги белгиланган [7].

Яъни, маъмурий судларга иш учун муҳим бўлган далилларни тўплаш унинг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти эканлиги ҳақида императив норма ўрнатилган. Худди шунга ўхшаш қоидалар Грузия Республикаси Маъмурий-процессуал кодекси [8], Қозоғистон Республикаси Маъмурий-процессуал кодексига [9] ҳам ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса “суднинг фаол иштироки принципи” маъмурий суд ишларини юритишда муҳимлигидан далолат беради.

Суднинг фаол иштироки принципининг амалиётда қўлланилиши ва унинг далилларни таъминлашдаги ўрни қуйидагилариларда намоён бўлади:

*биринчидан*, суднинг фаол иштироки орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий манфаатлари бузилишининг олдини олиш;

*иккинчидан*, маъмурий суд ишларини юритишда иштирокчиларга тенг имкониятлар яратиш. Бунда давлат органи бўлган тарафнинг иккинчи тарафга нисбатан устунроқ эканлиги эътиборга олинishi англашилади;

*учинчидан*, суднинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишни таъминлаш воситаларидан бир сифатида рўёбга чиқиши;

*тўртинчидан*, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш орқали аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини янада оширишга ёрдам беради;

*бешинчидан*, суднинг фақат тарафлар тақдим этадиган далилларга таяниб қолишининг олдини олади. Энг муҳими, чиқариладиган суд ҳужжатларининг адолатли бўлишини таъминлашга ҳизмат қилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 26 апрель ЎРҚ-833-сон Қонуни //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январь ПҚ-33-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 0.01.2025 й., 07/25/33/0091-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январь ПҚ-107-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/107/0083-сон.
6. Бондарь Н.С., Джагарян А.А. Правосудие: ориентация на Конституцию. – Москва: НОРМА-ИНФРА-М, 2018. – 224 б.
7. Административно-процессуальной кодекс Республики Азербайджан. Lex.uz
8. Административно-процессуальной кодекс Республики Грузии. Lex.uz
9. Административно-процессуальной кодекс Республики Казахстан. Lex.uz